

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҚУМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“Иқтисод ва Бошқарув” факултети

“Менежмент ва маркетинг” Кафедраси

“АКТ ва Р” фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: Алоқа корхоналарининг стратегиясини ишлаб чиқиш.

Бажарди: Нусратуллаев Б.

Гуруҳ: 120-11 мў

Текширди: Тўхтасинова Г.

Курс иши тақризга

топширилган сана

_____ 2014й

Курс иши тақриздан

қайтарилган сана

_____ 2014й

Курс иши химоя

килинган сана: _____

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Имзо _____

_____ 2014й _____

Имзо _____

Баҳо “ _____ ”

ТОШКЕНТ 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I) Асосий қисм	
1.1. Стратегия ва стратегик бошқарув тушунчаси.....	5
1.2. Стратегик бошқарув усулининг вужудга келиши	8
1.3. Корхона тараққиётига таъсир этувчи омиллар.....	11
1.4. Стратегик режалаштириш жараёнида корхона фаолиятнинг таҳлили.....	14
1.5. Корхонанинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш, режалаштириш ва баҳолашда қўлланиладиган услубий ёндошувлар.....	19
II) Амалий қисм.....	22
Хулоса.....	42
Илова.....	44
Адабиётлар рўйхати.....	46

КИРИШ

Маълумки, инсоният ахборотлаштириш соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқца, бунинг натижасида эса умумжаҳон ахборотлашган ҳамжамияти шаклланмоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари конвергенцияси негизида ахборотни узатиш ҳамда истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари дунёга келаётганлиги ташкил этади. Оқибатда XXI аср — ахборотлашган жамият асри деб эътироф этилди, яъни ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда.

Мамлакат мустақиллигининг биринчи йилларидаёқ Республика Президенти И. Каримов: «Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривожига бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ ҳис қилишимиз лозим»,— деб ёзган эди.

Келгусида ахборот-коммуникация тизими ривожини республика иқтисодий тараққиётининг бош йўналишларидан бирига айлантириш учун қуйидаги вазифаларни биринчи ўринда ҳал қилиш талаб этилади. Чунончи, соҳа ривожига учун қулай бўлган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳитни давр талабларига мос равишда такомиллаштириш, соҳада мулкӣ муносабатларни эркинлаштириш ва ахборот-коммуникация хизматлари бозори ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, соҳада фаолият кўрсатаётган фирма ва компаниялар фаолиятини рағбатлантириш механизмини шакллантириш, энг асосийси, соҳанинг республикада таркиб топаётган бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган оқилona бошқарув тизимини яратиш ва бу йўналишда чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш лозим. Табиийки бундай сифат ўзгаришлари бошқарув

тизимини такомиллаштириш муаммоларини ечишга қаратилган чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Зеро, бундай тадқиқотлар-сиз соҳа бошқаруви самарадорлигини таъминлаб бўлмайди.

Алоқа соҳаси бутун иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Рақобатбардош, самарали ва қиймати нуқтаи назаридан афзал бўлган ахборот-коммуникация тармоқлари ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини оширишга, иш ўринларини кўпайтиришга, экспорт салмоғи ва солиқ тушумларини ўсишига, яъни иқтисодий тараққиётни орқага тортувчи монопол хизмат кўрсатишдан тубдан фарқ қиладиган ижобий тенденцияларни шакллантиришга олиб келади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, буларнинг барчаси ўз навбатида соҳани янада жадалроқ ривожлантиришни тақозо этади. Масалан, Россия экспертлари таъкидлаганидек, бугунги кунда ушбу мамлакатнинг 1% иқтисодий ўсишини таъминлаш учун ахборот-коммуникация саноатининг 3% ўсишига эришиш зарур бўлади. Яъни ахборот-коммуникация тармоқлари нафақат жамият тараққиётини ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг, балки мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсиб боришининг муҳим омили бўлиб қолишининг асосий шартларидан биридир. Бу эса соҳанинг ривожига бўлган алоҳида эътиборни талаб этади.

Стратегия ва стратегик бошқарув тушунчаси

Стратегия грекча (“strategos”) сўз бўлиб, “генерал санъати” деган маънони билдиради. Бу атаманинг ҳарбий соҳадан кириб келганига таажжубланмаслик керак. Зеро, пухта ўйланган стратегия Александр Македонский, Амир Темуларга ҳарбий юришларда қўл келган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам стратегия атамаси:

- *“йирик ҳарбий операциялар ва умуман уруш олиб бориш санъати”;*
- *“ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати ва илми”*

маъносида талқин этилган.


Ҳарбий соҳада ҳозир ҳам бу атама юқори қўмондонлик томонидан ҳарбий жараён (операция)ларни режалаштириш санъати маъносида ишлатилади.

Истиқболни аниқ башорат, тасаввур қилиш учун стратегия зарурдир.

Стратегия — бу:

- *истиқболни тадқиқ қилиш, турли сценарияларни таҳлил қилиш санъати;*
- *истиқболда рақобат курашида афзаллик берувчи зоя;*
- *корхонанинг умумфаолияти (фонди, қуввати, ҳаражати, фойдаси ва ҳоказо)ни назорат қилувчи кенг қамровли тизим.*

Стратегия ўз ҳаракат доирасига кўра қуйидаги турларга бўлинади



Стратегия турлари.

Чизмадаги бош стратегия корхона вазифаларини рўёбга чиқаришнинг асосий усулидир. Бундан ташқари корхонада қуйидаги стратегиялар ҳам бўлиши мумкин:

- ❖ *махсус стратегия;*
- ❖ *функционал стратегия;*
- ❖ *мужассамлаштирилган стратегия;*
- ❖ *диверсификациялашган стратегия.*

Махсус стратегия бу содир бўлиши мумкин бўлган турли ҳолатларни, масалан, банкротлик ҳолатини бартараф этиш мақсадида узоқ муддатга тузиладиган стратегиядир.

Функционал стратегия корхонанинг бўлим ва хизматлари олдидаги вазифаларни амалга ошириш йўллари ифодалайди. Бу ишчи стратегиядир.

Мужассамлаштирилган стратегия бу корхонанинг яхлит фаолиятини ўзида жамлаган мўлжалдир.

Диверсификациялашган стратегия корхона (фирма)нинг фаолият соҳаси ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турларини кўпайтириш каби вазифаларини амалга ошириш йўллари ифодалайди.

Корхона стратегияси корхонанинг ўзидаги ҳолатдан келиб чиқиб белгиланади ва қуйидаги муҳим жиҳатлар таҳлил қилинади.

Корхона даражасидаги стратегия

Бўлимлар	Аниқлаб олинishi зарур бўлган жиҳатлар
Маркетинг	<ul style="list-style-type: none">• Бозорнинг қайси бир сегментига эътиборни кучайтириш лозим?• Ассортимент ва сифат қандай бўлмоғи лозим?• Хизматни рсклама қилишдан бошлаб то сотишгача бўлган босқичларда сарфланадиган маблағларни қандай тақсимлаш керак?• Баҳо сиёсати қандай бўлмоғи лозим?• Бозор салмоғи минтақалар бўйича қандай бўлиши керак?

Ишлаб Чиқариш (хизмат кўрсатиш)	<ul style="list-style-type: none"> • Ишлаб чиқаришнинг мўлжалдаги даражаси қандай бўлиши керак? • Инвестиция қаерга ва қачон қилинса маъқулроқ? • Эҳтиёт қисмларни сотиб олиш керакми ёки уларни кор-хонанинг ўзида тайёрлаган маъқулми? • Ишлаб турган ишчиларга қандай даражадаги малака зарур? • Қанча муддатга етадиган захира тўплаш керак?
Молия	<ul style="list-style-type: none"> • Жорий ва капитал харажатлар кўлами қандай? • Молиялаштириш манбалари қанақа? • Айланма капитални қандай молиялаштириш керак?
Кадрлар	<ul style="list-style-type: none"> • Тайёргарлик кўрган ходимларни ишга қабул қилиш керакми ёки борларини ўқитиш лозимми? • Ишлаб турганлар сонини қандай қисқартириш керак? • Ишчи кучига бўлган ҳақиқий талаб қандай? • Ходимни қандай қилиб саклаш ёки жалб қилиш мумкин?
Тадқиқ фаолияти	<ul style="list-style-type: none"> • Тадқиқотнинг қайси йўналишига устуворлик бериш лозим? • Кўрсатилаётган хизматни қайси жиҳатларига қачон ўзгартириш киритиш керак?

Қайд қилинганларни аниқлаш жараёнида стратегиянинг қуйидаги тамойилларига эътибор берилса, фойдадан холи бўлмас эди:

- “*Бўш келма*”.
- “*Оқимга қараб суз*”.
- “*Ўзгарувчиликни режала*”.
- “*Янгиликми – бу яхши*”.
- “*Келажакни ўз қўлинг билан ярат*”.

Хўш, стратегик бошқарувнинг ўзи нима? **Стратегик бошқарув** — бу корхона (фирма)нинг истиқбол мақсади ва имкониятини ходимлар манфаати билан уйғунлаштиришни назарда тутувчи узоқ муддатли бошқарув усули. Бошқача қилиб айтганда, стратегик бошқарув — бу стратегик мақсадни амалга оширишга йўналтирилган бошқарув фаолияти.

Айрим корхона (фирма)лар турли сабабаларга кўра стратегик бошқарув жараёни билан чуқур шуғулланмайдилар. Бу сабабларнинг айримларини келтирамиз:

- ✚ юқори поғонадаги раҳбарият корхона аҳволини тўлиқ тавсифловчи ахборотга эга эмас. Бундай ҳол мавжуд ҳисоб-китоб, ахборот тизимининг мукамал эмаслиги оқибатида бўлиши мумкин. Табиийки, бундай шароитда бошқарувчилар рақобатдош корхоналар, бозор талаби, таннарх, баҳо ҳақидаги маълумотларга эга бўла олмайди;*
- ✚ кўпчилик менежерлар корхона фаолиятини билиш нуқтаи назардан ўзини юқори баҳолайди. Улар, одатда танқидий маълумотларни тан олишмайди ва уларга ўзгартириш киритишга уринишади;*
- ✚ кўпгина фирма раҳбарлари мавжуд ҳолат ёрдамида корхона нуфузини сақлаб туришга ҳаракат қилишади. Улар янгиликка интилишмайди, ходимлар томонидан инновацияга бўлган ташаббусни қўллаб-қувватламайди;*
- ✚ аксарият раҳбарлар корхона (фирма)нинг жорий режаларини тузишни афзал кўришади, кундалик вазифалар билан чекланишади. Бу уларни корхона истиқболи тўғрисида фикрлашга ундамайди;*
- ✚ ўткинчи муваффақият менежерларнинг эскирган раҳбарлик услубини қўллашга мажбур қилади. Айнан шундай ҳолат бугунги кун ёки истиқболдаги ҳолатни инкор этишга ундайди.*

Бундай ва шунга ўхшаш салбий сабабларга қул бўлган раҳбар корхона инқирозга юз тутгандагина стратегик бошқарувни эслаб қолади.

Стратегик бошқарув усулининг вужудга келиши ва амалиётда қўлланилиши

Стратегик бошқарув усулининг пайдо бўлиши ва амалиётга қўлланиш зарурияти объектив сабаблар билан боғлиқ бўлиб, бунда, энг аввало

корхонага таъсир қилувчи ташқи муҳитнинг ўзгарувчанлиги муҳим рол ўйнайди. Бу усулнинг ривожланиши бир неча босқични ўз ичига олади.

Бажарувчанликни назорат қилиш асосида бошқариш усули. Бу босқичда корхонада ўзгаришларга нисбатан жавоб таъсир (реакция) воқеа содир бўлгандан сўнг пайдо бўлади. Бу реактив мослашув бўлиб, замон билан бирга қадам ташламайдиган раҳбарларга хос. Аммо, тез суръат билан содир бўладиган ўзгаришлар шароитида бундай усул ҳеч ҳам қўл келмайди.

Экстраполяция қилиш асосида бошқариш усули. Бунда ўзгариш суръати тезлашади. Аммо истиқбол (келажак)ни фақат олдинги давр ўзгаришлари тенденциясига асосланиб экстраполяция қилиш йўли билан белгилаш мумкин (узок муддатли режалаштириш).

Ўзгаришларни олдиндан прогноз қилиш асосида бошқариш усули. Бу усул ўзгаришлар суръати тезлашиб, кутилмаган ҳодиса содир бўлишини назарда тутиб ишлаб чиқилган стратегияни ишлаб чиқиш ёрдамида амалга оширилади (стратегик режалаштириш).

Шошилинич ихчам қарорларни қабул қилиш асосида бошқариш усули. Бундай усул бозор талабларига жавобан корхона фаолиятини тезкорлик билан ўзгартириш лозим бўлган ҳолларда қўлланилади. Бозор муносабатлари барча соҳаларга шиддат билан кириб келаяпти. Шундай шароитда турли-туман вазифалар тезкор пайдо бўлади. Улар фақат узокни кўзлаган ҳолда режалаштирилади ва бошқарилиш амалга оширилади (стратегик бошқарув).

Умуман олганда, стратегик бошқарув эволюцион тарзда стратегик режалаштириш замини пайдо бўлади ва унинг туб моҳиятини акс эттиради.


Стратегик режа — бу корхона (фирма) олдидаги узок муддатга мўлжалланган вазифалар мажмуи бўлиб, у корхона кўламидаги бошқа жорий, йиллик режалар учун бошланғич нуқта хизматини ўтайди. Стратегик режанинг асосий шакллари беш, ўн йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган режалардир.

Стратегик режанинг ўта муҳим ва зарурлиги қуйидагилар билан изоҳланади. У:

- *корхонанинг аниқ мақсадини белгилашга ва шакллантиришга имкон беради;*
- *корхонани ташқи муҳитга мослаштирилишига ёрдам беради;*
- *самарали бошқариш таркиби ва тизимини яратишга имкон беради;*
- *корхона таркибидаги барча бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштиришга шароит тугдиради;*
- *корхонанинг барча ресурсларини, яъни ишчи кучи, молиявий, айланма ва асосий фондларни самарали тақсимотини таъминлайди ва ҳоказо.*

Корхона мақсади ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан батафсил, ҳар томонлама комплекс ишлаб чиқилган режа стратегик режалаштиришнинг пировард натижаси ҳисобланади. Стратегик режа, одатда корхона раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилади. Уни ҳаётга тадбиқ қилишда корхонанинг барча ходимлари иштирок этишади.

Стратегик режалаштириш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.



Стратегик режалаштириш жараёни.

Корхона мақсади ва вазифаларини танлаш стратегик режалаштириш жараёнининг энг дастлабки ва масъулиятли босқичларидан ҳисобланади. Бу жараён режалаштиришнинг кейинги барча босқичлари учун мўлжал вазифасини ўтайди. Корхона маблағ фаолиятининг бош мақсади — кам маблағ сарфлаб, истеъмолчиларга юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш,

топшириқ, шартномаларини бажариш. Стратегик режалаштириш сифати ҳам ана шу бош мақсаднинг қанчалик тўғри танланганлиги ва қабул қилинганлигига боғлиқ.


Корхона тараққиётига таъсир этувчи омиллар

Корхона тараққиётининг бош йўналиши ва унинг мақсадини тўғри танлаш куйидаги икки омилга боғлиқ:

- *ташқи муҳит омили;*
- *ички муҳит омили.*

Стратегик режалаштиришни амалга оширишда бу омилларни инобатга олиш жуда ҳам зарурдир. Чунки айнан уларни ҳисобга олиш корхонага хавф солувчи ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш имконини беради. Бу, албатта, сермеҳнат ва серҳаражатли жараёндир. Бу ҳаражатлар стратегик режалаштиришга қилинадиган ҳаражатларнинг энг кўп қисмини ташкил қилади.

Ташқи муҳитни таҳлил қилиш куйидагича амалга оширилади.



Корхонанинг ташқи муҳитини таҳлил қилиш чизмаси.

Иқтисодий омилларни таҳлил қилишда инфляция (дефляция) суръати, солиқ ставкаси, халқаро тўлов баланси, аҳолининг бандлик даражаси, корхонанинг тўловга қодирлик даражаси кабиларга эътибор қаратилади.

Сиёсий омилларни таҳлил қилиш жараёнида:

- *мамлакатлараро савдодаги тариф келишувларига;*
- *божхона сиёсатида учинчи мамлакатга қарши йўналтирилган протекционизм сиёсатига;*
- *мазкур давлат ва унинг етакчи сиёсатчиларининг антимонополия қонунига бўлган муносабатларига;*
- *маҳаллий ҳокимиятларнинг кредит сиёсати, уларнинг ссуда олиш ва ишчи кучини ёллаш бўйича чекловлари кабиларга эътибор берилади.*

Бозор инжиқликлари ҳам корхона фаолияти самарадорлигига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Уларни таҳлил қилиш корхона раҳбариятига корхона стратегиясини аниқ белгилаш ва унинг мавқесини мустаҳкамлашда ёрдам беради. Бу ерда:

- *демографик ўзгаришлар;*
- *аҳоли даромади даражаси ва унинг тақсимланиши;*
- *тармоқдаги рақобат даражаси;*
- *корхонанинг бозорда эгаллаган салмоги;*
- *бозор кўлами ёки уни ҳукумат томонидан ҳимояланганлиги таҳлил қилинади.*

Технологик омилларни корхона раҳбарияти ўз диққат-эътиборидан четда қолдирмаслиги зарур. Бундай таҳлил:

- *ишлаб чиқаришдаги технологиянинг ҳолатини, унинг ўзгариш суръатини, замон талабига жавоб бера олишини;*
- *янги товар ва хизматларни лойиҳалаштиришда, ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва уларни узатишда, алоқада замонавий ҳисоблаш техникаларининг қўлланилаётганлигини аниқлашга ва режаслаштиришга имкон беради.*

Рақобат омилларини таҳлил қилиш рақобатдош корхоналарнинг хатти-харакатларини кузатишга, уларни назорат қилиш имконини беради. Бундай таҳлил моҳиятини қуйидаги саволларга жавоб топиш орқали билиш мумкин:

- *Рақобатдош бозорга нимани таклиф қилаяпти?*
- *Рақобатдош нима қилаяпти ва нима қилиши мумкин?*

Рақобатдошларни таҳлил қилишда тўрт нарса назарда тутилади. Булар:

- *рақобатдошларнинг келгуси мақсадларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;*
- *рақобатдошларнинг жорий стратегиясини таҳлил қилиш;*
- *рақобатдошларнинг истиқболдаги ривожланиш имкониятларини таҳлил қилиш;*
- *рақобатдошларнинг кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиш.*

Рақобатдошлар фаолияти ва хатти-харакатларини кузатиб бориш корхона раҳбариятига келгусида содир бўлиши мумкин бўлган хар қандай хавф-хатарга тайёр бўлиб туриш имконини беради.

Ижтимоий омиллар ўз таркибига ўзгариб турувчи ижтимоий кадриятлар, удумлар, муносабатлар ва феъл-атворларни қамраб олади. Иқтисодий беқарорлик шароитида айна ижтимоий соҳада корхона фаолиятига салбий таъсир қилувчи хавфлар туғилади. Уларни бартараф этиш учун самарали таҳлил зарурдир.

Халқаро омиллар ташқи савдо монополиясига барҳам берилган шароитда корхона учун ўта аҳамиятлидир. Зеро, халқаро бозорда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Корхона раҳбарияти бундай катта сегментда содир бўлаётган ҳолатларни кузатиш, улардан огоҳ бўлиш ва корхона манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиши лозим.

Ташқи муҳит омилларини ҳисобга олиш:

- *чет элдаги рақобатдошларга қарши ҳукумат ҳимоясини аниқлаш;*
- *ички бозорни мустаҳкамлаш;*
- *халқаро муносабатларни фаоллаштириш ва кенгайтириш имконини беради.*

Шундай қилиб, менежерлар ташқи муҳит таъсирини доимо диққат марказида сақлашлари, ўз корхоналари фаолиятига оид ҳар қандай қарорни катта ҳажмдаги ахборотни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида қабул қилишлари керак.

Стратегик режалаштириш жараёнида корхона фаолиятнинг таҳлили

Стратегик режалаштириш жараёнида корхона фаолиятини таҳлил қилишдан мақсад қуйидаги иккита саволга жавоб топишдир:

▪ *Ташқи имкониятлардан фойдаланиш учун корхона ўзининг кучли томонларига эгами?*

▪ *Корхонанинг ташқи хавфга бардош беролмайдиган қандай кучсиз томонлари бор?*

Ҳар иккала саволга жавоб топиш учун корхонанинг қуйидаги жиҳатларини кузатиш тавсия этилади:

- *Маркетинг.*
- *Молия (бухгалтерия ҳисоби).*
- *Ишлаб чиқариш.*
- *Меҳнат ресурслари.*
- *Маданият ва корхона нуфузи.*

Маркетинг — бу корхонанинг бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш асосида хизматларни сотишни ташкил этиш орқали фойда олишга қаратилган фаолияти.

Маркетинг функцияларини текшириш жараёнида унинг қуйидаги еттита унсурини таҳлил қилишни тавсия қилинади:

- *Корхонанинг бозордаги салмоғи ва рақобатбардошлиғи.*
- *Хизматларнинг ассортименти ва сифати.*
- *Бозор шароитидаги демографик ҳолат.*
- *Бозорни тадқиқ қилиш ва ишланмалар ҳолати.*
- *Мижозларга кўрсатиладиган хизматнинг сотишдан олдин ва сотишдан кейинги даражаси.*
- *Хизматлар, реклама ва сотиш самарадорлиғи.*

▪ *Корхона фойдаси.*

Стратегик режалаштиришнинг маркетинг соҳасидаги параметрлари кўп жихатдан қайд қилинган унсурларнинг кучли ва кучсиз томонларини тўғри аниқланишига боғлиқ.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, ундаги кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш стратегик режалаштириш самарадорлигини янада ошириши мумкин. Молиявий таҳлилни ўтказишни маъқул топадиган (+) ва маъқул топмайдиган (-) фикрлар бор. Улар қуйидагилардан иборат:

+	-
<ul style="list-style-type: none"> • молиявий фаолиятни таҳлил қилиш муаммонинг йечимини топишда ёрдам беради 	<ul style="list-style-type: none"> • ўткинчи тажриба асосида келажакдаги мўлжални аниқлаш имконияти кўп ҳолларда тасликланмаган
<ul style="list-style-type: none"> • корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлади 	<ul style="list-style-type: none"> • молиявий маълумотлар субъектив талқинлар таъсири остида бўлади
<ul style="list-style-type: none"> • молиявий фаолиятдаги йўналишнинг аксарият кўпчилик қисми барқарор ҳисобланади 	<ul style="list-style-type: none"> • иқтисодиётдаги, бозордаги ва технологиядаги тез-тез ўзгаришлар кўп ҳолларда молиявий ахборотларни яроқсизлантиради
<ul style="list-style-type: none"> • рақамлар қуруқ сўзга қараганда асосли бўлади 	<ul style="list-style-type: none"> • молиявий фаолият таҳлили ҳеч қачон айна шу куннинг ўзида амалга оширилмайди. У ҳар доим ўткинчини ифодалайди

Ишлаб чиқаришнинг кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиш корхонанинг бозор шароитига тезроқ мослашишига, рақобат курашларига доимо тайёр бўлишига замин тайёрлайди. Бундай таҳлил жараёнида қуйидаги саволларга жавоб олинади:

▪ *Товар ва хизматларни рақобатчиларга нисбатан кам ҳаражат билан ишлаб чиқариш.*

▪ *Корхона ускуналарининг ҳолати қандай? Улар замонавийми, уларга хизмат кўрсатиш даражаси қандай?*

▪ *Корхонада материалларнинг кирими, ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳаракати ва товарларнинг чиқиб кетишини назорат қилиш тизими мавжудми?*

▪ *Корхонада рақобатдош корхоналар хизмат кўрсатолмайдиган бозорларга кириш имконияти борми?*

▪ *Корхона маҳсулот сифатини назорат қилишнинг самарали усулига эгами?*

▪ *Корхонада ишлаб чиқариш жараёни қандай ташкил этилган ва уни такомиллаштириш мумкинми?*

Меҳнат ресурсларига оид муаммоларни таҳлил қилиш нафақат стратегик режалаштириш жараёни учун, балки бозор иқтисодиёти шароитида инсон омили ўйнайдиган муҳим ролни аниқлаш учун ҳам зарурдир.

Инсон омилини таҳлил қилишда қуйидаги саволларга жавоб топиш тавсия этилади:

- | |
|--|
| <ul style="list-style-type: none">▪ <i>Бугунги кунда корхонангизда банд бўлган ходимларнинг таркиби қандай?</i>▪ <i>Юқори поғонадаги раҳбарларнинг малакаси ва омилкорлиги қандай?</i>▪ <i>Кадрлар бўйича ротация режалари борми?</i>▪ <i>Корхона рағбатлантиришнинг самарали тизимга эгами?</i>▪ <i>Корхонада кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидан самарали фойдаланиляптими?</i>▪ <i>Кейинги йилларда корхонадан малакали мутахассисларнинг кетиб қолиш ҳоллари бўлганми? Бўлган бўлса, нима учун?</i>▪ <i>Корхонада ходимлар фаолиятини баҳолаш тизими ишлаб чиқилганми? Бундай баҳолаш охирги марта қачон амалга оширилган?</i> |
|--|

Жавобларни таҳлил қилиш ва инсон омилини комплекс баҳолаш у ёки бу бўғиндага заиф томонларни аниқлашга ва шунга мос равишда чоратадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Стратегияни танлаш ва уни амалга оширишни режалаштириш

Ташқи хавф ва янги имкониятлар аниқлангач, стратегияни танлашга ўтиш мумкин. **Стратегияни танлаш** — бу стратегик режалаштиришнинг марказий масаласи ҳисобланиб, у бир неча босқичлардан иборат бўлади:

- *муқобил стратегияларни аниқлаш;*
- *аниқланган муқобил стратегияни қиёмига етказиш;*
- *қиёмига етказилган стратегияга баҳо бериш.*

Амалиётда бу босқичларни бир-биридан ажратиш қийин. Зеро улар яхлит таҳлил жараёнининг турли даражасидаги тадбирлардир. Фақат турли босқичларда турли усуллар қўлланилади.

Биринчи босқичда корхона олдида қўйилган мақсадни амалга оширишни таъминловчи стратегия белгилаб олинади. Бунда энг муҳими шу мақсадга эришишнинг турли вариантлари ишлаб чиқилади. Бу ишга корхонадаги барча бўғинлар бошқарувчиларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндошув танлаш имкониятини кенгайтиради ва энг яхши вариантни танлаш имкониятини яратади.

Иккинчи босқичда — танланган стратегиялар қайта ишланади ва корхонанинг ривожланиш мақсадига монанд келувчи кўп қиррали умумий стратегия шакллантирилади.

Учинчи босқичда — танлаб олинган умумий стратегия доирасидаги муқобил вариантлар таҳлил қилинади ва унинг бош мақсадни ечишдаги яроқлилиқ даражаси баҳоланади. Айнан шу босқичда умумий стратегия аниқ ва янги мазмун билан тўлдирилади. Масалан, қиёмига етказилган умумий стратегияда корхонанинг бозордаги салмоғини ошириш, товарлар сотувини кўпайтириш мақсадида қуйидаги тадбирлар назарда тутилган бўлиши мумкин:

- *товар таннархини рақобатдошлардагига нисбатан пасайтириш;*
- *товарлар айтиладиган дўконлар тармоғини кенгайтириш;*
- *товарларнинг янги моделларини таклиф қилиш;*

- *реклама тизимини яхшилаш ва ундан ўринли фойдаланиш.*

Кўриб турибмизки, корхона стратегияни танлашда кўпдан-кўп муқобил (алтернатив) вариантларга дуч келиши ва улардан кенг танлаш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Аниқланган ташқи хавф ва имконият корхонанинг ички имконияти ва кучсиз томонлари билан таққосланади. Сўнгра корхона раҳбарияти “Стратегик вариантлардан қайси бирини танлаш керак” деган саволга жавоб излашга киришади. Менежмент соҳасидаги тадқиқотчилар муқобилнинг кўйидаги турларини эътироф этишади:

- *чекланган ўсиш;*
- *ўсиш;*
- *камайиш;*
- *ҳар учала стратегик муқобилни ўзида акс эттирувчи вариант.*

Чекланган ўсиш. Бу стратегияни, асосан барқарор технологияга эга бўлган корхоналар раҳбарлари танлашади. Бунда ривожланишдаги мақсад “эришилган даража”га асосланиб ўрнатилади ва шароит ўзгаришига қараб унга тузатишлар киритилади (масалан, инфляция шароитида). Агар раҳбарият корхонадаги мавжуд ҳолатдан қониқадиган бўлса, у ҳолда истиқболда ҳам шундай стратегияни (муқобилни) танлаган бўлади. Чунки бу энг оддий ва хатари кам йўлдир.

Ўсиш. Бу танловга энг кўп тушадиган муқобилдир. Уни технологияни тез-тез ўзгартириб турадиган ва корхонани ривожлантиришда эришилган даража кўламида тўхтаб қолишни эмас, балки ундан ҳам юқори даражага эришишни мўлжаллайдиган раҳбарлар танлайди.

Агар корхона барқарор ривожланиш шароитида ишламаётган бўлса, банкротликка учраши ҳеч гап эмас.

Камайиш. Бу жуда камдан кам танланадиган муқобилдир. Чунки бунда ёки корхонани кичрайтириш, ёки ишлаб чиқариш ҳажмини камайитириш назарда тутилади. Бу стратегияни кўпинча сўнгги восита деб аташади. Чунки корхона фақат ночор ҳолга тушган шароитдагина бу стратегияни ишлашга

мажбур бўлади. Аниқроғи, корхона раҳбарлари куйидаги вазиятларда бундай стратегияни танлашга мажбур бўлишади:

- *иқтисодий таназзул даврида;*
- *корхона жуда оғир шароитга тушиб, унинг аҳволи ёмонлашиб бораётган шароитда;*
- *ишлаб чиқаришни камайтириш ҳисобига.*

Бундай ҳолларда корхона буткул тугатилиши ёки унинг айрим бўлимларини бирлаштириш содир бўлади.

Тўртинчи муқобил юқоридаги ҳар учала муқобилни ўзида мужассамлаштиради. Йирик (турли тармоқларни ўз ичига қамраб олган) корпорацияларда амалга оширилади. Бир вақтнинг ўзида мазкур корпорация доирасида бир турдаги фаолиятни қисқартириш, бошқасини эса кенгайтириш ёки кўпайтириш стратегияси қўлланилиши мумкин.

Корхонанинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш, режалаштириш ва баҳолашда қўлланиладиган услубий ёндошувлар

Корхонанинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш, тегишли муқобилни режалаштириш ва уни баҳолашда, бир қатор услубий ёндошувлар қўлланилади. Жадвалда ана шундай ёндошувлардан бири келтирилган.

		Бозорлар	
		Мавжудлари	Янгилари
Товарлар	Мавжудлари	I. "Нимани бажараётган бўлсанг ўшани яхшила" стратегияси	II. Бозорни ривожлантириш стратегияси
	Янгилари	III. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш стратегияси	IV. Диверсификация стратегияси

Товарлар ва бозорлар бўйича имкониятлар матрицаси.

Ҳар бир квадрант қандайдир умумий стратегияни ва унинг унсурларини белгилайди.

I квадрант корхона стратегиясининг мавжуд бозорлар ва товарларга бўлган йўналишини кўрсатади. Бу усулни ҳаҷаҳатларни тежаш ёки “нимани бажараётган бўлсанг, ўшани яхшила” стратегияси деб аташади. Бундай стратегияни, одаҳда бозорни эгаллаш учун ўз фаолиятини яхшилаши, ривожлантириши лозим бўлган корхоналар танлайди. Бундай корхона маркетинг хизмати́ни кучайтириш, рақобатбардош нархни белгалаш, товарларни бозорга узлуксиз етказиб бериш орқали ўзи учун анъанавий бозорни кенгайтиришга ҳараҳат қилади.

II квадрант корхона стратегиясининг корхона қатнашаётган бозорни кенгайтириш, товарларнинг янги турларини таклиф қилиш ҳисобига янги бозорларга кириб боришга йўналтирилганлигини акс эттиради.

Бундай стратегия қуйидаги ҳолларда самарали ҳисобланади:


- *корхона ўзи иштирок этаҳдиган бозорлар географиясини ўзга давлатлардаги бозорларга кириб бориши ҳисобига кенгайтурса;*
- *бозорлардаги қондирилмаган сигментларни топши имконини берса;*
- *янги товарлар таклифини кенгайтурса.*

III квадрант ўзлаштирилган бозорга янги товар етказиб бериш стратегиясини танлашни билдиради. Бу стратегияга, одаҳда истеъмолчилар эътиборини қозонган маҳсулотларнинг янги моделлари мавжуд бўлган ҳолларда муҳжаат қилинади. Бунда корхона устуворликни янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ёки мавжуд маҳсулотни модификация қилишга беради.

IV квадрант диверсификация стратегияси деб аталади. Бу стратегия, одаҳда корхонанинг битта бозорга ёки бир товар ассортиментига бўлган боғлиқлигидан, шунингдек, тугатилаётган ёки турғун ҳолатда бўлган бозорлардан қутулиш мақсаҳида қўлланилади. Аммо бу стратегияни қўллаш анчагина хавф-хатар билан боғлиқ. Чунки диверсификация стратегияси ҳали бозори ҳам, харидори ҳам номаълум янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Ишлаб чиқилган стратегияни амалга ошириш жараёнини бошқариш

Ишлаб чиқилган стратегияни амалга ошириш учун корхона раҳбарлари унга режалар, дастурлар, лойиҳаларни ишлаб чиқишлари, уни асослашлари, бюджет масалаларини ҳал қилишлари, хуллас, стратегиянинг ижросини бошқаришлари лозим бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида стратегияни амалга ошириш учун корхонада қуйидаги режалар тизими ишлаб чиқилади



Корхонанинг режалар тизими.

Чизмадан кўриниб турибдики, замонавий корхонада тўртта гуруҳдан иборат бир-бири билан боғланган режалар ишлаб чиқилиши лозим:

1. Фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича бош режа. У 10-15 йил ва айрим ҳолларда ундан кўпроқ муддатни ўз ичига олувчи истиқболдаги стратегия ҳисобланади.

2. Корхонанинг 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатдаги ривожланиши режаси. Стратегик режалаштириш нуқтаи назардан унинг асосий мазмунини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулотининг янги авлодини ишлаб чиқаришга ўтиш, янги технологияни жорий қилиш кабилар ташкил қилади.

3. Тактик режалар корхона фаолиятидаги жорий тадбирларни маълум тартибга ва конун-қоидаларга солиб туради.

4. Дастурлар ва режа-лойиҳалар мақсадли характерга эга бўлиб, улар янги маҳсулот лойиҳасини ва технологиясини ишлаб чиқиш, сарфларни камайтириш, энергия ресурсларини тежаш, янги бозорларга кириб бориш кабиларни амалга оширишни таъминлайди.

Дастлабки иккита гуруҳ режа — бу стратегик режалаштиришнинг асосий маҳсули ҳисобланади. Бу режалар кейинчалик тактик режалар ва лойиҳалар кўринишини олади ва улар орқали ўз ижросини топади.

АМАЛИЙ КИСМ

«Ўзбектелеком» аксиядорлик компанияси

Компания ҳақида маълумот

«Ўзбектелеком» аксиядорлик компанияси – ўз тармоғи билан бутун республикамиз ҳудудини қамраб олган Ўзбекистон Республикасида энг йирик телекоммуникация операторидир. Компания замонавий технологиялар асосида қурилган ўз телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб, телекоммуникация хизматлари кенг турларини тақдим этади.

Бутун Ўзбекистон ҳудудида куннинг исталган вақтида аҳоли ва давлат тизимлари, идораларини энг замонавий ҳамда сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш «Ўзбектелеком» АК нинг асосий мақсади ҳисобланади.

Барча истеъмолчиларга бутун республика ҳудудларида шаҳарлараро, халқаро алоқа хизматларини тақдим этиш компания иқтисодий фаолиятининг асоси ҳисобланади. Шу билан бирга, асосан анъанавий овозли алоқа ва интернет

тармоғига уланиш хизматлари билан бир вақтда, компания симли ва симсиз технологиялар бўйича маълумотлар узатиш замонавий хизматларини тақдим этади.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК 2013-йил даромадлари таркиби

2013-йил давомида «Ўзбектелеком» АК томонидан кўрсатилган телекоммуникация хизматларидан ҳисобланган даромад 667,6 млрд. сўмни ташкил этди. Тарифлар бўйича даромадлар даражаси ўтган йилга нисбатан 48 фоизга ошди. Аҳолига кўрсатилган алоқа хизматлари миқдори 115,6 млрд. сўм, ўтган йилга нисбатан ўсиш сур'ати 127 фоизни ташкил этди. Экспорт хизмати ўтган йилга нисбатан 1,64 баробарга ошди.

Соҳадан ташқари бошқа хизматлардан ҳисобланган даромад 119,8 млрд. сўмни ташкил этди. Молиявий фаолият бўйича даромадлар 40,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Даромадлар динамикаси (млрд. сўм.)

Кўрсаткичлар номлари	2012	2013	Ўсиш сур'ати %
Халқаро алоқа бўйича ўзаро ҳисо- китолар	365	657	180
Маҳаллий телефон алоқаси	72	78	108
Каналлар ижараси	51	64	125
Моил алоқа операторларини улаш	40	43	108
Шахарлараро, халқаро телефон олшқаси	39	41	106
Интернет ва маълумотлар узатиш тармоғи	34	42	123
ИП-телефония	23	29	125
Симсиз радио уланиш	19	38	202
Алоқа хизматларидан бошқа даромадлар	25	64	316
Жами	667,6	1054	148

**“Ўзтелеком” АК филиалларининг 2012-2013 йиллар учун асосий
фаолияти бўйича даромадлари таҳлили (млн.сўм)**

Филиаллар номи	2012-йил амалида	2013-йил		Ўсиш суръатлари,%
		Амалда	Улуши, %	
Қорақалпоғистон Республикаси филиали	6866	6850	1,0	99,9
Андижон филиали	6815	5682	0,9	91,3
Бухоро филиали	8571	9450	1,3	105,0
Навоий филиали	6368	8014	1,1	112,2
Наманган филиали	7053	8546	1,2	110,5
Сирдарё филиали	2726	3401	0,5	111,7
Тошкент филиали	6598	8971	1,2	116,6
Фарғона филиали	7721	7749	1,2	100,2
Хоразм филиали	6176	7592	1,0	110,9
“ТШТТ”	56142	73837	9,6	114,7
Жиззах филиали	1058	1043	0,2	99,3
Қашқадарё филиали	3608	3738	0,6	101,8
Сурхондарё филиали	2146	1993	0,3	96,4
Самарқанд филиали	2439	2396	0,4	99,1
“БКМ” филиали	40108	63767	7,6	126,1
“ТТТ” филиали	56539	68387	9,3	110,0
“ЎзМобайл” филиали	10287	40941	3,1	199,5
“БРМ” филиали	17672	11797	2,2	81,7
Ижро аппарати	201943	729940	57,5	190,1
ЖАМИ	450834	1064094	100	148,1


«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК 2012-ЙИЛ ХАРАЖАТЛАРИ

2013-йил харажатлари жами миқдори 750,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Харажатларнинг жами харажатлардаги улуши:

- ишлаб чиқариш харажатлари – 38,9%;
- маъмурий харажатлар – 2,3%;
- операцион харажатлар – 20,4%;
- сотиш харажатлари – 1,3%;
- молиявий харажатлар – 37,1%.

Йиллар бўйича умумий даромадлар ва харажатлар (млрд. сўм)



Иқтисодий самарадорлик асосий кўрсаткичлари

Йил якуни бўйича “Ўтелеком” АК соф фойдаси - 13,5 млрд.сўмдан иборат бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 38,1фоизни, фаолият рентабеллиги 2,2 фоизни ташкил этди. Ходимларнинг меҳнат самарадорлиги 55,3 фоизга ўсди ва бир ходимга тўғри келадиган бир ойлик даромад 3820 минг сўмни ташкил этди. Сотидан олинган даромад бўйича маржа - 23,6 фоиз. Соф фойда бўйича маржа - 2,2 фоиз. 100 сўм тушум таннархи - 76,4 сўм. ОИБДА - 204314 млн.сўм. ОИБДА маржа - 33,1 фоиз. ЭБИТДА - 95430 млн.сўм. ЭБИТДА маржа - 15,4 фоиз.

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар (млн.сўм)

Кўрсаткичлар номлари	2012-йил	2013-йил	ўсиш 2013/2012,%
Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар)ларни сотишдан соф тушум	617864	932357	50,9
Харажатлар	471960	634314	34,4
Сотишдан олинган даромадлар	145934	364689	149,9
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда	27398	50303	83,6
Соф фойда	13553	18717	38,1

«Ўзбектелеком» АК халқаро ҳамкорлиги қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- халқаро алоқа ташкилотлари билан ҳамкорлик;
- халқаро телекоммуникация лойиҳаларида иштирок этиш;
- алоқа хизматлари тақдим этадиган хорижий алоқа операторлари ва компаниялари билан, шунингдек, телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқарувчи компания ва фирмалар билан икки томонлама ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилишдан иборат.

АКТ соҳасида лойиҳаларни амала ошириш муаммоларини хал этишга қаратилган чора тадбирлар

Маълумки, инсоният ахборотлаштириш соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда, бунинг натижасида эса умумжаҳон ахборотлашган ҳамжамияти шаклланмоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари конвергенцияси негизида ахборотни узатиш ҳамда истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари дунёга келаётганлиги ташкил этади. Оқибатда XXI аср - ахборотлашган жамият асри деб эътироф этилди, яъни ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда.

Мамлакат мустақиллигининг биринчи йилларидаёқ Республика Президенти И. Каримов: «Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривожини бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ ҳис қилишимиз лозим», - деб ёзган эди.

Келгусида ахборот-коммуникация тизими ривожини республика иқтисодий тараққиётининг бош йўналишларидан бирига айлантириш учун кўйидаги вазифаларни биринчи ўринда ҳал қилиш талаб этилади. Чунончи,

- соҳа ривожини учун қулай бўлган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳитни давр талабларига мос равишда такомиллаштириш,
- соҳада мулкий муносабатларни эркинлаштириш ва ахборот-коммуникация хизматлари бозори ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш,
- соҳада фаолият кўрсатаётган фирма ва компаниялар фаолиятини рағбатлантириш механизминини шакллантириш,
- энг асосийси, соҳанинг республикада таркиб топаётган бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган оқилona бошқарув тизимини яратиш ва бу йўналишда чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш лозим.

Табиийки бундай сифат ўзгаришлари бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммоларини йechишга қаратилган чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Зеро, бундай тадқиқотларсиз соҳа бошқаруви самарадорлигини таъминлаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон республикасида ахборот - коммуникация технологияларини давлат бошқарувида жорий қилиш, шунингдек ҳар бир идорада электрон ҳужжат айланиши тизимларини киритиш ва ушбу тизимнинг идоралараро ўзаро ишлашини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. АКТ ни жорий этиш ва электрон ҳукуматни ривожлантириш мақсадида президентимизнинг 9 та қарори ҳамда ҳукуматнинг 18 та қарори ва

40 дан зиёд бошқа норатив- ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу қонунлар доирасида малакатимизда бир қанча лойиҳалар асосида дастурий ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан алоҳида ишчи гуруҳи тузилиб, мазкур соҳада етакчи бўлган Корея Республикаси ва бошқа хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ўрганилди. Замон талабларига жавоб берадиган хорижий тажрибалар асосида "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш бўйича концепция ва комплекс дастур, шунингдек, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурини ишлаб чиқиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

2013-йилги инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорожий инвестициялар ҳисобига ўзлаштирилиши кўзда тутилган маблағлар режаси 213 фоизга бажарилди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки бу улкан лойиҳаларни бизнинг мамлакатимизда қисқа вақт давомида амалга ошириш мушкул вазифа ҳисобланади. Чунки бу улкан ишларни мамлакатимизда жорий этишда ҳал этилиши керак бўлган муаммоларимиз талайгина. Бу муаммоларнинг энг асосийси мамлакатимизда алоқа соҳасида малакали кадрларнинг йўқлигидир. Мамлакатда АКТни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича олиб борилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, энг асосий омиллардан бири бу АКТни давлат органлари ходимлари тушуниб йетиши ва ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлашдир. Бу муаммони ҳал этиш учун АКТ соҳасида кадрлар етиштириш ва малакасини ошириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг 3521 нафари ва давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ходимларини АКТдан фойдаланиш бўйича билимларини ошириш учун жами 3978 нафар ходимлари ўқитилди. Давлат органлари махсус бўлинмалари мутахассисларининг малака ва кўникмаларини оширишга қаратилган 6 та ўқув курслари ўтказилиб,

уларнинг ҳар бирида 140 дан зиёт мутахассислар таҳсил олади. <<Электрон ҳукумат>> ўқув маркази томонидан жами 717 нафар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбар ва мутахассисларининг <<электрон ҳукумат>> тизими бўйича билим ва малакалари оширилди. Тошкент Аборот технологиялари Университети фаолиятини тубдан яхшилаш бўйича комплекс чоралар кўрилмоқда. 2013 йилда университет ва унинг худудий филиалларидан 28 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий таълим муассасаларида малакаларини оширди. 2014-йилда ТАТУ ва унинг филиалларининг 70 нафар ўқитувчилари ҳамда 30 нафар магистр ва докторантларини хорижий университетларга ўқишга юбориш режалаштирилган.

Яна битта муаммолардан бири бу мамлакатнинг барча худудини бирлаштириб турувчи алоқа линияларининг тўлиқ ўрнатилмаганлигидир. Ҳозирга келиб бу муаммони ҳам бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, <<Шахарлараро коммутация марказларини янги авлод авлод тармоқ технологиялари асосида модернизация қилиш ва кэнгайтириш>>, (НГН), <<ФТТх технологияси бўйича кэнг қамровли форматда фойдаланиш имконини берадиган оптик тармоқларини ривожлантириш>>, <<Ўзбекистон республикаси минтақаларида ЭВДО технологияларини жорий этиш орқали СДМА-450 мобил тармоғини ривожлантириш>> каби ва бошқа йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилмоқда.

Ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажми 121,9 млрд. сўмни ташкил этди, 2012-йилга нисбатан ўсиш 2,9 баробардан иборат бўлди. Жумладан, ФТТх архитектураси асосида модернизация қилиш мақсадида умумий узунлиги 2100 км оптик толали линиялар қурилди.

«Ўзбектелеком» АК томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ чоралар кўрилди:

- ❖ **«Бойсун - Денов оптик толалали алоқа линияси (ОТАЛ) қурилиши».** Қарши - Термиз - Денов йўналиши бўйича 102,3 км оптик толали алоқа ётқизиш ишлари якунланди.

❖ **«Ургут-Шаҳрисабз оптик толали алоқа линияси (ОТАЛ) қурилиши».** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури тўғрисида»ги 2010-йил 29-декабрдаги ПҚ-1455 сонли Фармони ва 2010-йил 21-декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва қурилишни ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» ПҚ-1446-сонли Фармонини бажариш мақсадида Самарқанд - Навоий - Бухоро - Қарши йўналишида 72,6 км оптик толали алоқа линияси ётқизилди,

❖ **«ЎзМобайл» филиали (СДМА-450) мобил алоқа тармоғини модернизациялаш ва кенгайтириш».** «ЎзМобайл» филиали симсиз уланиш тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- республиканинг узоқ жойларда жойлашган минтақаларида аҳоли ва ташкилотларни жаҳон стандартлари даражасидаги сифатли алоқа билан таъминлаш;
- энг янги технологияларни фойдаланишга топширилишини таъминлаш;
- шаҳарлараро ва халқаро трафик ҳажмини ошириш;
- маълумотлар узатиш трафик ҳажмини ошириш;
- кейинги авлод тармоқларига ўтишни ҳисобга олиб, мобил алоқа тармоғини янада ривожлантиришдир.

Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад қўшимча база станциялари ва бошқа ускуналарни ўрнатиш йўли билан «Ўзбектелеком» АКънинг СДМА 2000 1х ва СДМА 2000 1х ЭВ-ДО 450-МГц тармоқларини модернизациялаш ва кенгайтириш ҳисобланади.

❖ **«Ўзбекистон Республикаси минтақаларида ЭВ-ДО технологияларини жорий этиш билан СДМА- 450 мобил тармоғини ривожлантириш».** Ушбу лойиҳа бўйича қўшимча 201та база станцияларини ўрнатиш ва мавжуд 114та база станцияларни ЭВ-ДО технологияси бўйича модернизациялаш ва республика аҳоли

пунктларини қамраб олиш даражасини 85 фоизгача ошириш режалаштирилган;

Жорий йилда 2013-2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантириш дастуридаги 2014 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни бажариш юзасидан ишлар амалга оширилади.

Иқтисодиёт реал тармоғида ахборот-коммуникация технологиялари ва ахбоот тизимларини жорий этиш бўйича дастур ишлаб чиқилмоқда. ТАТУ ва унинг минтақавий филиалларида компьютер техникаси ва интернет тармоғида ишлаш малакасини ошириш, шунингдек, замонавий коммуникация технологияларини ўзлаштириш бўйича курслар ташкил этилади.

Бундан ташқари, рухсат бериш ва лицензиялаштириш таомилларини расмийлаштиришнинг электрон шаклига ўтишни жадаллаштириш, коммунал хизматларни, солиққа тортиш ва божхона расмийлаштириш хизматларини интерактив тақдим этиш ва <<Электрон тижорат тўғрисида>>ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар таёрланмоқда.

<<Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида>> ги қонунининг янги таҳририни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

Шу муносабат билан, ахборот технологиялари соҳасида энг долзарб масалалар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

1. Электрон рақамли имзо инфратузулмасини ривожлантириш, ишончли учинчи томон хизматини жорой қилиш;
2. Электрон ҳужжатларни сақлаш учун депозитларини ташкил қилиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш;
3. Электрон тижоратни ривожлантириш мақсадида электрон тижорат билан шуғулланувчи тадбиркорларга давлат томонидан қўшимча имтиёзлар яратиш.

Республикамизда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш йўналишида биринчи навбатда ахборот ресурсларининг ишончлилигини ва бутунлигини таминлаш муаммосининг ййечимини хал қилиш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Давлат миқёсидаги ахборот хавфсизлиги муаммоларининг йечими ахборотни ҳимоялаш борасидаги талабларнинг бажарилишини назорат қилиш ва криптографик ҳимоя воситаларини қўллаш орқали хал этилиши мумкин. Шуларни инобатга олган ҳолатда корхонамиз ходимлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, миллий криптографик стандартлар асосида ишлаб чиқарилган электрон рақамли имзо калитларини бошқариш ва имзони шакллантириш тизими, <<Е-хат>> -ҳимояланган электрон хат алмашиш тизими ва шунга ўхшаш кўпгина тизимларини фойдаланувчиларга тақдим этмоқдалар. Бундан ташқари ахборотларни ҳимоялашда ва уларнинг ишончлилигини оширишда аппарат воситаларининг ўрни ўзгачалигини ҳисобга олиб корхонада замонавий аппарат воситаларини ишлаб чиқариш линияси ишга тушурилди. Ушбу линияда авваламбор корхонамизда яратилган махсус ҳимоя воситалари ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган воситалар фақатгина махсус текширувлардан ўтгандагина оммага ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Чет элдан кириб келадиган воситаларга нисбатан анча арзонлиги уларни иқтисодий соҳасининг барча жабхаларига кэнг қўллаш имконини беради.

1-январдан ягона интерактив давлат хизматлари порталида тадбиркорлик субъектларини интернет орқали рўйхатгаолиш хизмати йўлга қўйилган. Бугунги кунда портал орқали 10 дан зиёд турдаги фаолият юритиш учун лицензиялар олишга бериш мумкин.

Шунингдек тадбиркорлик субъектларига 300 дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқарув идораларига, жумадан, Вазирлар маҳкамасига қолаверса ижрои ҳокимияти идоралари томонидан ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузулган

ҳолатда бевосита Ўзбекистон Республикаси бош вазирга ўз мурожаатларини юбориш имконияти тақдим этилди.

2014-йилда тадбиркорлар учун ягона портал орқали бир қатор янги хизматларни тақдим этиш режалаштирилган.

2014-йилнинг 17-январ куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги мажлисининг Қарорида АКТ ни ривожлантириш бўйича белгилаб берилган истиқболдаги долзарб вазифалар алоҳидақўриб чиқилиб, соҳа корхона - ташкилотлари раҳбарларига қуйидаги вазифалар юкланди.

- 2013-2020 йилларда телекоммуникация технологияларини, алоқа тармоқлари ва инфратузулмаларини ривожлантириш дастурининг 2014 йил учун белгиланган тадбирларини сўзсиз бажариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- Иқтисодиётнинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини кэнг жорий этиш бўйича чора тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

- ТАТУ ва унинг ҳудудий бўлинмаларида компьютер, ахборот технологиялари ва интернет бўйича билимларни оширишга мўлжалланган замонавий ўқув курслари фаолиятини йўлга қўйиш;

- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун турли рухсат бериш ва лицензиялаш тартибларини расмийлаштиришни электрон шаклга ўтказишни жадаллаштириш, коммунал хизматларни, шунингдек, солиқ солиш ва божхонада расмийлаштириш хизматларини интерактив тарзда кўрсатиш, электрон тижоратни кэнгайтириш ва <<Электрон тижорат тўғрисида >>ги қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш юзасидан вазифалар белгиланди.

Электрон тижорат - бу тижорат алоқаларининг бир тури бўлиб, сотувчи ва харидор ўртасидаги шартномалар ҳамда хизматлар Интернет орқали амалга ошириладиган бозорнинг яна бир тузилишидир.

Электрон тижорат турлари:

- **Бизнес - Бизнес, Б-Б** - Икки фирма ўртасидаги электрон тижорат
- **Бизнес - Мижоз, Б-С** - Фирма ва мијоз ўртасидаги электрон тижорат
- **Бизнес - Давлат, Б-Г** - Фирма ва Давлат ўртасидаги электрон тижорат (кўп тарқалмаган).
- **Мижоз - Давлат, С-Г** - Мижоз ва Давлат ўртасидаги электрон тижорат (энди ривожланмоқда)

Электрон тижоратни амалга оширишда бир қатор муаммолар мавжуд:

1. Психологик муаммо, яни аҳолининг ҳали виртуал муҳитда савдо қилишни аниқ тасаввур қила олмаслиги.
2. ахборот - коммуникацион инфратузилманинг етарли даражада яхши ривожланмаганлиги
3. тадбиркорларнинг электрон тижорат имкониятларини аниқ тасаввур қила олмасликлари
4. ўрта ва катта ёшдаги аҳоли ўртасидаги компьютер саводхонлигини пастлиги.
5. банклар томонидан Интернет тизимида тўловларни амалга ошириш бўйича хизматларни яхши қўйилмаганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” ги фармониға мувофиқ “Реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт – шароитлар яратилмоқда.

ЛОЙИҲАЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

2013-йилда компаниянинг инвестиция фаолияти «Ўзбектелеком» АК олдида турган, савдо бозорларини кенгайтириш ва мавжуд телекоммуникация хизматлари бозорида рақобатбардошлик ҳолатини мустаҳкамлашга йўналтирилган асосий вазифалар асосида амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси тегишли топшириқларига мувофиқ «Ўзбектелеком» АК томонидан телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш бўйича қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажми 121,9 млрд. сўмни ташкил этди, 2012-йилга нисбатан ўсиш 2,9 баробардан иборат бўлди.

«Ўзбектелеком» АК томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ чоралар кўрилди:

- ❖ **«Бойсун – Денов оптик толалали алоқа линияси (ОТАЛ) қурилиши».** Қарши – Термиз – Денов йўналиши бўйича 102,3 км оптик толали алоқа ётқизиш ишлари якунланди.

Ушбу лойиҳа бўйича Тожикистон ва Афғонистон томонлари халқаро йўналишларида магистрал транспорт тармоғини захиралаш кўзда тутилган;

- ❖ **«Ургут-Шахрисабз оптик толали алоқа линияси (ОТАЛ) қурилиши».** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури тўғрисида»ги 2010-йил 29-декабрдаги ПҚ-1455 сонли Фармони ва 2010-йил 21-декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва қурилишни ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» ПҚ-1446-сонли Фармонини бажариш мақсадида Самарқанд – Навоий – Бухоро – Қарши йўналишида 72,6 км оптик толали алоқа линияси ётқизилди, магистрал транспорт тармоғини захиралаш кўзда тутилди;

- ❖ **«Янги авлод тармоқлари (НГН) технологияси бўйича Халқаро коммутация Марказларини модернизациялаш ва кенгайтириш».**

Ушбу ХКМ-2 ва ХКМ-3ъни модернизациялаш ва кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш «Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоқларида НГН технологияларини жорий этишнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Лойиҳани амалга оширишнинг биринчи босқичида Халқаро коммутация марказлари Е1 оқимлари сонини 1 386 Е1 портга ошириш бўйича ишлар бажарилди, бу шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда бир вақтда уланишларни амалга оширишга имкон беради;

- ❖ **«Янги авлод тармоқлари (НГН) технологияси бўйича маҳаллий телекоммуникация тармоғини модернизациялаш ва кенгайтириш».** Ушбу лойиҳанинг мақсади «Ўзбектелеком» АК маҳаллий тармоқларида НГН технологияларини қўллаб, коммутация ускуналарини янги рақамли коммутация тизимлари билан алмаштириш ҳисобланади. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида маънавий эскирган телекоммуникация ускуналарни замонавий, рақамли ускуналарга алмаштириш бўйича ишлар бажарилди ва маҳаллий коммутация станцияларни умумий 305 348 абонент порти модернизацияси амалга оширилди, улардан 91 936 порт кенг полосали портлар ҳисобланади;
- ❖ **«Ўзбектелеком» АК Халқаро пакетли коммутация марказини кенгайтириш ва модернизациялаш».** Лойиҳа доирасида Халқаро пакетли коммутация марказида боғламанинг техник имкониятларини оширишни таъминловчи юқори маҳсулдорликдаги маршрутизаторлар ўрнатилди. Ҳисобот даври якунига келиб, Халқаро пакетли коммутация марказининг ўтказиш қобилияти 10 Гбит/секунддан 40 Гбит/секундгача ошди.
- ❖ **«ЎзМобайл» филиали (СДМА-450) мобил алоқа тармоғини модернизациялаш ва кенгайтириш».** «ЎзМобайл» филиали симсиз уланиш тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- республиканинг узок жойларда жойлашган минтакаларида аҳоли ва ташкилотларни жаҳон стандартлари даражасидаги сифатли алоқа билан таъминлаш;
- энг янги технологияларни фойдаланишга топширилишини таъминлаш;
- шаҳарлараро ва халқаро трафик ҳажмини ошириш;
- маълумотлар узатиш трафик ҳажмини ошириш;
- кейинги авлод тармоқларига ўтишни ҳисобга олиб, мобил алоқа тармоғини янада ривожлантиришдир.

Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад қўшимча база стансиялари ва бошқа ускуналарни ўрнатиш йўли билан «Ўзбектелеком» АКнинг СДМА 2000 1х ва СДМА 2000 1х ЭВ-ДО 450-МГц тармоқларини модернизациялаш ва кенгайтириш ҳисобланади. Уни амалга ошириш тармоқнинг қамрови ва ўтказиш қобилиятини кенгайтиришни, тақдим этилаётган СДМА-450 стандартидаги ҳаракатдаги мобил алоқа хизматлари ҳажмини, турларини кенгайтириш ва сифатини оширишни таъминлайди.

СДМА-450 стандарти бўйича симсиз тармоқ қамровини ошириш мақсадида 140та база стансияларини ва бошқа ускуналарни ўрнатиш бўйича ишлар бажарилди, бунинг натижасида СДМА-450 стандарти мобил алоқаси республика аҳоли пунктлари сонига нисбатан қамров даражаси 71,3 фоизга йетди.

Ривожланиш истиқболлари

2012-йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ХХРга давлат ташрифи доирасида «Ўзбектелеком» АК, ОАК «Алоқабанк», «Хуawei Течнологиез Со., Лтд» (ХХР) компанияси ва Хитой ривожланиш банки (ХРБ) ўртасида ҳамкорлик бўйича Меморандум имзоланди, унда абонентларга янада тўла телекоммуникация хизматлар тўпламини тақдим этиш учун муҳим лойиҳаларни молиялаштириш кўзда тутилган. 2013-йилда

«Ўзбектелеком» АК ушбу Меморандум Рўйхати билан тасдиқланган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишларни давом эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 19-июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш ва икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида» 3858-сонли Фармойиши билан тасдиқланган 2013-йилга асосий кўрсаткичлар қуйидаги лойиҳалар ҳисобланади:

- **«Ўзбекистон Республикаси минтақаларида ЭВ-ДО технологияларини жорий этиш билан СДМА- 450 мобил тармоғини ривожлантириш».** Ушбу лойиҳа бўйича қўшимча 201та база станцияларини ўрнатиш ва мавжуд 114та база станцияларни ЭВ-ДО технологияси бўйича модернизациялаш ва республика аҳоли пунктларини қамраб олиш даражасини 85 фоизгача ошириш режалаштирилган;
- **«ФТТх технологияси бўйича кенг полосали уланиш оптик тармоқларини ривожлантириш».** Ушбу лойиҳа доирасида компания абонент портларини қўшимча 110 000 портга оширишни кўзда тутувчи ФТТх технологияси бўйича кенг полосали уланиш оптик тармоқларини ривожлантириш бўйича фаолиятини давом эттиради;
- **«Магистрал тармоқларни Ўзбекистон Республикаси туман марказларигача кенгайтириш ва захиралаш».** Телекоммуникация тармоқлари ишончлилиги ва барқарорлигини ошириш ва унинг ўтказиш қобилиятини 100 Гбит/секундгача ошириш мақсадида, лойиҳада «Ўзбектелеком» АК амалдаги транспорт тармоғини тўла захиралашни таъминлаш учун *ДВДМ/СДХ/ИП/МПЛС, ОН* технологиялари асосида маълумотлар узатиш тизимларини ўрнатиш кўзда тутилади;
- **«Коллежларни Ўзбекистон Республикаси «Електрон таълим» тизимига улаш».** Лойиҳа доирасида 200та касб-ҳунар коллежларини оптик толали кабел бўйича «Електрон таълим» миллий тармоғига улаш ҳамда

видеоконференсалоқа тизимини яратиш ва видеоконференсиялар, семинарлар, масофали таълим ҳамда ўқув машғулотларини ўтказиш учун мултимедияли аудиториялар ташкил этиш кўзда тутилади;

- «Ўзбекистонда ахборот-коммуникация ускуналарни ва «e-Space Education Solution» функциясига эга электрон доскалар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш». Республикада телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадида ФТТх кенг полосали уланиш тармоқларини қуриш учун фойдаланиладиган ускуналарни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-йил 27-декабрдаги 1668-сонли «Ўзбекистон Республикаси 2012-йилга Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш мақсадида ХКМъда ИМС/НГН жорий этишни кўзда тутувчи «Янги авлод тармоқлари (НГН) технологияси бўйича Халқаро коммутация марказларини модернизациялаш ва кенгайтириш» лойиҳаси 2 босқичини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Молиявий ҳисобот (минг сўмда)

Кўрсаткичлар	2012-йил 31- декабр ҳолатига кўра	2013-йил 31- декабр ҳолатига кўра
АКТИВ		
Асосий маблағлар	306 010 241	364 019 606
Номоддив активлар	1 092 361	1 543 246
Бошқа узоқ муддатли активлар	510 610 468	297 964 004
ТМЗ	31 422 850	57 684 207
Пул маблағлари	72 972 754	41 772 178
Ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар	70 816 363	78 781 216
АКТИВ БЎЙИЧА ЖАМИ	992 925 037	841 764 457
ПАССИВ		
Ўз маблағлари манбалари	358 110 163	271 922 271
Узоқ муддатли мажбуриятлар	532 218 597	435 618 166
Ҳисоб-китоб ва бошқа мажбуриятлар	102 596 277	134 224 20
ПАССИВ БЎЙИЧА ЖАМИ	992 925 037	841 764 457

2012-йилнинг тўртинчи чорагидан ТЕЛЕСОМТВ савдо белгиси остида компания аҳолига интерфаол телевидения – ИПТВ хизматларини тақдим эта бошлади. Ҳисобот даври якунлари бўйича ИПТВ хизматидан олинган даромад 78,6 млн. сўмни ташкил этди. ИПТВ хизматидан фойдаланувчи абонентлар сони мингдан ортди. хДСЛ ва ФТТх технологиялари бўйича кенг поласали Интернет хизмати абонентлари базасининг ўсиш суръати 2012-йил бошига нисбатан 52 фоизни ташкил этди ва абонентлар сони 111 811га йетди. Ҳар бир абонентдан олинадиган ўртача ойлик даромад 29 179 сўмни ташкил этди. Компания мобил алоқа абонентлари сонини ҳам ошириб бормоқда. 2013-йил якуни бўйича «Ўзбектелеком»АК Узмобиле филиали СДМА-450 стандарти мобил алоқа фойдаланувчилар сони 191 890 тани ташкил этди ва ҳисобот даврида абонентлар базаси 2 баробарга ошди. Мобил алоқа хизмати ҳар бир абонентидан олинадиган ўртача ойлик даромад 9 950 сўмни ташкил этди.

Компаниянинг Интернетга мобил алоқа орқали уланиш хизматидан фойдаланувчи абонентлари сони ҳисобот даври якунлари бўйича ўн бир мингдан ортди.

«Ўзбектелеком» АК Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VII Республика ярмаркасида

23-25 April 2014 yil



2014-йил 23-25апрел кунлари «Ўзекспомарказ» МКМ» ОАЖ 1-павилёнида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VII Республика ярмаркаси

ўтказилади. Алоқа, ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳаси корхоналари ярмаркада бир неча стендлар билан иштирок этади.

Ярмаркада «Ўзбектелеком» аксиядорлик компанияси қуйидаги ишланмалар билан иштирок этади:

- **«Объектлар ҳолатини назорат қилиш универсал схемаси».** Мазкур ишланма онлайн режимида кўриқланаётган объект ёниб кетиши, нам тушиши ва рухсат этилмаганларнинг кириши каби барча кўрсаткичлар бўйича объектлар ҳолатини назорат қилиш имконини беради.
- **«Шаҳар энергия тармоғида узилиш ва рухсақиз бинога киришни назорат этувчи МСАН сигнализацияси».** Мазкур МСАН ишланмаси ўзида шаҳар энергия тармоғида узилиш ва рухсақиз бинога кириш ҳолати содир бўлиш схемасини ва бу ҳақда ЭАЦ ходимларини хабардор этиб, сигнал беришни намойиш этади. Мазкур ишланмани жорий этиш авариявий ҳолатларни тезкор аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради, шунингдек, МСАН усқунасига зарар етказиш ҳамда ўғирлашнинг олдини олади.
- **«МСАН энергия тармоғини ҳаддан ташқари зўриқидан химоя қилиш схемаси».** Мазкур ишланма ўзида, қувват тармоғида, сакраш тарзида, энергия ошиб кетиши ёки тушиб кетишидек, ўзгаришлар бўлган дамларда аккумулятор таъминотида МСАН усқунасидаги рақамли қурилмани намойиш этади.
- **Маҳаллий бозор учун СДМА-450 стандарти бўйича мобил телефонлар ва планшет компьютерларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш.**
- **ДСЛ стандарти бўйича Ҳоме Гатевай телекоммуникация усқуналарининг ишлаб чиқарилиши.**

VII инновацион ярмаркасида 5та йўналиш: саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, фан ва таълим, шунингдек, трансфер технологияси бўйича инновацион ишланмалар намойиш этилди.

ХУЛОСА

Бозор муносабатлари ривожланган сари режанинг аҳамияти тобора ошиб боради. Бирор-бир ишлаб чиқариш, хусусан, тижорат ғоясини режасиз амалга ошириб бўлмаслигини хорижий бизнесменлар аллақачон тушуниб етганлар. Бу ерда гап аввалги беш йиллик режаларимиз ҳақида бормаяпти. Хорижий мамлакатларнинг “беш йиллик режалари” бутунлай бошқача усулда тузилади. Уларни бизнес-режа деб юритишади.

Стратегик режалаштириш – ташкилот мақсадларини белгилаш ва уларга эришиш учун тадбирлар (хатти-ҳаракатлар)нинг умумий мантигини ишлаб чиқишдир. Ташкилотнинг бутун фаолияти давомида қабул қилинадиган бошқариш қарорлари унинг стратегиясига асосланади. Стратегияси ноаниқ ташкилотнинг хатти-ҳаракатлари тартибсиз, чунки, қарорлар бир мантикий (аниқ мақсад) йуналишида бўлмайди.

Адабиётлардада стратегик режалаштиришнинг қуйидаги тўрт таркибий қисми таъкидланади :


1. Ресурсларни тақсимлаш – фондлар, бошқариш талантлари ва технологик тажриба қаби чекланган ресурсларни тақсимлаш;
2. Ташқи муҳитга – ташкилотни ташқи муҳит билан узок муддатли муносабатини белгилаш. Ташқи муҳитнинг ташкилот учун ижобий ва ҳавфли томонлари, яқин ва узок келажакда руй бериши мумкин бўлган узғаришларнинг қуламини аниқлаш : янги ва замонавий ишлаб чиқариш системаларни яратиш, жамият ва ҳукумат билан ижобий муносабатлар урнатиш орқали зарурий (ижобий) шарт-шароитлар яратиш, ташкилотнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этади.
3. Ички мувофиқлаштириш – ташкилот ички муҳити омилларини, ундаги турли хатти-ҳаракатлар ва операцияларни бир-бирлари билан мустаҳкам боғлаш. Бу жараён давомида ташкилот ички муҳитининг қучли ва қучсиз томонлари аниқланади, ички узғарувчилар мақсад йуналишида мувофиқлаштирилади.

4. Ташкилий стратегияларни тушуниш – менежерларнинг савия ва фикрлаш қобилиятларини утган давр тажрибалари ва замонавий стратегик қарорлар асосида узлуксиз ривожлантириб бориш. Улар тушунишлари зарурки, ҳеч қайси ташкилот қотиб қолган ташкилий структурага эга эмас. Ҳамма нарсалар қаби ташкилий структуралар ва стратегик қарорлар узгариб туради. Раҳбарларнинг бу узгаришларнинг мантигини тушунишлик даражалари ташкилот тақдири учун муҳим омил ҳисобланади. Чунки, бошқариш қарорларини охир-оқибатда раҳбарлар ёки менежерлар қабул қиладилар.


Ишлаб чиқилган стратегик режани амалга ошириш раҳбарлар ва мутахассислардан чуқур илм ва юксак маҳорат талаб қилади ва у қуйидаги босқичларни уз ичига олади : 1) ташкилотнинг стратегияси асосида мақсадларни узатиш; 2) ташкилий структурани баҳолаш, зарур бўлса узгартиришлар қиритиш; 3) бўлимлар ва ички хужаликлар бўйича ресурсларни тақсимлаш; 4) асосий бошқариш масалаларни аниқлаш; 5) ташкилотнинг алоҳида қисмларига масалалар қуйиш, зарур бўлса структурага узгартиришлар қиритиш; 6) вақолатларни узатиш ва мувофиқлаштириш усулларни урнатиш; 7) ҳатти-ҳаракатлар учун йуналиш сифатида сиёсатни аниқлаш; 8) алоҳида раҳбарларнинг мақсадларини аниқлаш; 9) фаолият натижаларини улчаш усуллари ва чегараларни аниқлаш; 10) бизнесни уз вақтида ва зарурий маълумотлар билан таъминлаш учун информация системасини яратиш; 11) зарурий ҳатти-ҳаракатларни таъминловчи рағбатлантириш системасини шакллантириш; 12) ташкилотнинг иш услуби ва кадриятлари асосида раҳбарларни тарбиялаш ва шакллантириш; 13) натижаларни баҳолаш, қамчиликларни аниқлаш, тесқари алокани таъминлаш.

Илова


Стратегик режалаштириш жараёни куйидаги босқичларни ўз ичига олади.



Ташқи муҳитни таҳлил қилиш куйидагича амалга оширилади.



Корxonанинг режалар тизими.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Халқ биздан амалий ишларни кутмоқда. 7 Т., Т., “Ўзбекистон”, 1999, 64-78 бетлар.
2. Каримов И. А. Халқ ишончи - олий масъулият. 7 Т., Т., “Ўзбекистон”, 1999, 258-273 бетлар.
3. Каримов И. А. Энг катта орзуим - менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги. 7 Т., Т., “Ўзбекистон”, 1999, 346-348 бетлар.
4. Бошқарув ваколатлари. Қаранг: Шарифхўжаев М., Абдуллаев Е. Менежмент. Ўқув қўлланма. Т., “Меҳнат”, 2000, 350-360 б.
5. “АКТР” фанидан маърузалар матни. ТМИ 2010.

Интернет тармоғлари:

<http://www.gov.uz>

<http://www.student.uz>

<http://www.ziyouz.com>